

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

3-2020

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

моддаларининг мембранали гидролизи ва сўрилиши	187
Н.Полвонов	
Мамлакатимизда жиноятчиликка қарши кураш сиёсатида мол-мулкни мусодара қилишга бўлган муносабат	189
О.А.Yuldashev	
Сиёсий партиялар ва ҳукумат идоралари	192
И. Исмаилов	
Қўқон хонлиги Маллахон Ибн Шералихон даврида (1858-1862)	195
Р. Дусчанов	
Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг солиқ сиёсати (1950-1970 йиллар мисолида)	198
Р. Джураев	
1917-1941 йилларда Ўзбекистонда чорвачиликнинг аҳволи (от ва йилқичилик мисолида)	202
М.Темирова	
Халқ ҳаётида радиодастурлар ролининг ошиб бориши ва уларнинг ғоявий-маънавий функциялари (1927-1991)	205
О.Халилов	
Мустақил Ўзбекистон ва Хитой халқ республикаси ўртасидаги муносабатлар тарихий нуқтаи назардан	209
Д. Камбарова	
Инглиз тили дарсларида ахборот воситаларидан фойдаланиш	212
Қ.Кахаров	
Германияда маданиятлараро нутқий этикет муаммолари	214
Ф. Дадабаева	
А. Қодирийнинг “Ўткан кунлар” асарида диалог таржимаси	217
Г. Азамжонова	
Шукрулло ижодига Жаҳон ва рус адабиётининг таъсири	220
Н.Мерганова	
Талабаларнинг хорижий тилда оғзаки нутқини ўстиришнинг педагогик усуллари	224
М.Қаҳҳорова, З.Мухаммаджонова	
Чет тили дарсларида ижтимоий шаклларнинг аҳамияти	227
А.Х.Зинатуллина	
Француз тили дарсларида қўшиқлардан фойдаланиш	230
Ф.Анварова	
Жаргонларнинг нутқимизда тутган ўрни ва вазифаси	233

УДК:

А. ҚОДИРИЙНИНГ “ЎТКАН КУНЛАР” АСАРИДА ДИАЛОГ ТАРЖИМАСИ

ПЕРЕВОД ДИАЛОГОВ В ПРОИЗВЕДЕНИИ “МИНУВШИЕ ДНИ” А. КАДЫРИ

THE TRANSLATION OF THE DIALOGUE IN THE NOVEL “DAYS GONE BY” BY ABDULLA KADIRI

Ф. Дадабаева¹

¹Ф. Дадабаева

НамДУ, катта ўқитувчи.

Аннотация

Мақолада А. Қодирийнинг “Ўткан кунлар” асаридаги диалогларнинг русча ва немисча таржималари талқини хусусида сўз боради.

Аннотация

В статье речь идет о немецком и русском переводах диалогов в романе «Минувшие дни» Абдуллы Кадыри.

Annotation

In this article the dialogue in the Russian and German translation of the novel “Days gone by” by Abdulla Kadiri is analyzed.

Таянч сўз ва иборалар: диалог таржимаси, сюжет, бадиий асар шакли ва мазмуни, изоҳ, муаллиф нутқи.

Ключевые слова и выражения: перевод диалога, сюжет, форма и содержание художественного произведения, комментарий, речь автора.

Key words and expressions: translation of the dialogue, plot, content and style of a creative work, note, author's speech.

Икки ва ундан ортиқ персонаж ўртасида бўлган суҳбат “диалог”, деб аталади.[6,134] Академик Иззат Султоннинг таъкидлашича, диалогнинг энг характерли хусусияти сўзлашувчи персонажлар орасида қизғин фикрий тортишувнинг мавжудлигидир (“диалог” лотинча dialog- суҳбат, тортишув, баҳс демақдир); соф ахборот мазмунидаги диалог жуда кам учрайди ва одатда диалогдаги баҳсни тайёрлашга хизмат қилади.

Диалог прсонажларнинг ички дунёсини очиб, уларнинг муносабатларидаги зиддиятни кўрсатади ва ривожлантиради, сюжетнинг доимо “силжиб бориши”га хизмат этади. Шу сабабли диалог бадиий асар шакли ва мазмунида катта роль ўйнайди.

“Ўтган кунлар”нинг дастлабки бобида муаллиф Отабекнинг марғилонликлар билан суҳбатини қуйидагича тасвирлайди:

Отабек меҳмонларни танчага ўтқазиб, фотиҳадан сўнг Ҳасаналидан сўради:

- Тузукмисиз, ота.
- Худога шукур! – деди Ҳасанали. – Боягидан бир оз енгилладим. Мазмуни ис теккан экан.
- Баъзи юмушлар буюрсам ...
- Буюрингиз, ўғлим.
- Раҳмат ота, бўлмаса бизга чой қайнатиб берсангиз-чи!
- Хўп, бегим!

Ҳасанали чиқди. Раҳмат Отабек билан яна бир қайта соғлиқ сўрашгандан кейин сўради:

– Бу киши кимингиз бўладир, бек ака?

Отабек Раҳматнинг саволига жавоб бермай, эшикка қаради. Ҳасаналини ҳужрадан узоқлатиб, сўнгра жавоб берди:

– Қулимиз.

Бу сўздан нима учундир Ҳомид ажабланган эди:

– Қулингиз?

– Шундоғ.[1,28]

Русча таржимаси:

Старик и гости тоже обменялись приветствиями, и после того как гости сели у *сандала* и была прочитана *фатиха*, Атабек обратился к старику.

– Как себя чувствуете, почтеннейший?

– Слава богу, полегчало. Видно, просто угорел.

– Можете оказать услугу?

– Приказывайте, господин мой!

– Спасибо, отец. Вскипятите-ка нам чаю.

Старик вышел, а Рахмат, снова почтительно справившись о здоровье Атабека, спросил:

– Кто этот человек?

Атабек взглянул на дверь, и лишь когда убедился, что старик не может услышать его, ответил:

– Это Хасанали, наш раб.

Хамид крайне удивился:

– Ваш раб?!

– Да.[2,14]

Таржимонлар аслиятдаги айрим хос сўзларни махсус изоҳлаб ҳам кетганлар. Жумладан, Абдулла Қодирий ўзига хос маҳаллий колоритни ифодалаш мақсадида адабий тилда ишлатиладиган сандал ўрнида танча сўзини қўллайди. Бунинг рус таржимонлари ҳозирги ўзбек тилидаги сандал вариантини транскрипция воситасида ифодалайдилар ва қуйидаги изоҳни ҳам келтирадилар:

Сандал – низкий столик, который ставится над углублением в полу с горячими углями, служит для согревания ног зимой. (Сандал – қишда оёқни иситишга хизмат қилиш мақсадида уй полининг қайноқ кўмир солинган чуқурчаси устига қўйилган пастак стол).

Кейингиси диний реалаялардан ҳисобланган *фотиҳа* сўзи.

Фатиха – краткая благодарственная молитва. (*фотиҳа* – миннатдорчилик маъносига қисқа ибодат).

Рус таржимонлари аслиятдаги диалог олтидан қўлланилган жумладаги, яъни диалогга ҳозирлик, тайёргарликни ифодалашга хизмат қилган гапдаги реалаяларни махсус изоҳ билан берганликларини маъқуллаш керак. Аммо диалог қатнашчилари, асар персонажлари нутқида қўлланилган дастлабки мурожаат,

сўровлар таржимасига нисбатан бундай деб бўлмади. Аслиятда Отабек Ҳасаналига *ота* деб мурожаат қилади. Бунинг сабаби бор, албатта. Абдулла Қодирий ушбу диалогдан сал кейинроқ Ҳасаналини Отабекнинг бобоси туркманлар қўлидан сотиб олганлиги, унинг ўттиз ёшлигида бир чўрига уйлантириб қўйилганлиги, бир неча фарзандлар кўрган бўлса ҳам улар гўдакликларида вафот этиб кетганликлари айтилади. Шу боис ҳам Ҳасанали Отабекни ўзининг маънавий ўғли, деганлиги ҳам таъкидланади. Худди шу боисдан Абдулла Қодирий Отабек тилидан Ҳасаналига нисбатан *ота* деб мурожаат қилаверади. Русча таржимада қўлланилган *почтеннейший* сўзини маъқуллаб бўлмади. Чунки бу сўз – *муҳтарам, ҳурматли, иззатли, улуғ* каби маъноларни ифодалайди. Афсуски, “Ўтган кунлар” романида Ҳасаналига нисбатан ҳеч қачон бундай мурожаатни кўрмаймиз. Шу сабабдан бу ўринда таржимонлар диалогнинг кейинроғида *отец* деб айтганликларини қўллаверишса мақсадга мувофиқ бўларди.

Энди диалогнинг яна давомига эътибор қаратайлик. Асарда Раҳмат Отабекдан Ҳасаналининг кимлигини сўраганда, Отабек Ҳасаналининг ҳужрадан

узоқроқда эканлигига ишонч ҳосил чилганидан сўнг – *Қулумиз!* деб жавоб беради. Аммо рус таржимонлари бу ўринда ортиқча аниқлаштиришга берилиб кетадилар ва – *Это Ҳасанали, наш раб!* - деб ўгирадилар. Ваҳоланки, Отабек унга берилган саволга жавоб қайтаришда *Ҳасанали* деган сўзни ишлатмайди. Бундан ташқари, аслиятда Отабекка хос ички маданият, оғир-босиқликни кўрсатиш учун Ҳомиднинг *Ҳасанали* Отабеклар кули эканлигидан ажабланиб сўраган такрор саволига – *Шундоғ!* – тарзида андиша билан жавоб қайтариши ҳам русча матнда очикчасига – *Да!* деб қўя қолиниши ҳам тўғри эмас. Бундай жавоб шарқона одоб, андишага зиддир.

Энди ана шундай тарзда ўгирилган воситали русча таржима асосида амалга оширилган олмонча талқин қуйидаги кўринишни олган:

Der Alte und die Gaeste begruessten sich ebenfalls. Nachdem sich die Gaeste an den Sandal gesetzt hatten und die Fatiha gesprochen war, fragte Otabek den Alten: "Wie fuehlt Ihr Euch, Verehrungswuerdiger?"

„Es geht mir gottlob wieder besser. Ich hatte wohl am Feuer zuviel Rauch geschluckt,“

„Wuerdet Ihr mir einen Dienst erweisen?“

„Befehlt, Herr.“

„Danke, Vater. Bereitet uns den Tee.“

Der Alte ging. Rahmat erkundigte sich hoeflich nach Otabeks Befinden und fragte dann: „Wer ist dieser Mann?“

Mit einem Blick auf die Tuer vergewisserte sich Otabek, dass der Alte ausser Hoerweite, und sagte:

„Das ist Hassanali, unser Sklave.“

„Euer Sklave?“ fragte Homid ueberrascht.

„Ja.“ [3,28]

Олмонча таржимадан кўриниб турибдики, Арно Шпехт рус таржимонлари йўл қўйган барча камчиликларни айнан такрорлаган. Ўша Ҳасаналининг исмини айни ҳолда Отабек тилидан “айттириш”дан тортиб, унинг кул эканлигини андиша билан “шундоғ” демасдан, “ха” деб, худди бир тарсаки ургандек жавоб қайтаришларгача олмон ўқувчиларига тақдим қилинган. Бу билан асардаги шарқона муомала маданияти, катталарга ҳурмат хусусиятлари лат еган.

Олмонча таржимада русча нашрдагидек диалогда қўлланилган айрим миллий хос сўзларга таржима матни сўнгида махсус изоҳ келтирилганлиги маъқул. Жумладан, **Fatiha** – *kurzes Dankgebet* (қисқагина миннатдорчилик ибодати) ёки **Sandal** – *niedriger kleiner Tisch, den man ueber eine mit gluehenden Kohlen gefuellte Vertiefung stellt* (пастак кичиккина стол бўлиб, у ёниб турган кўмир билан тўлдирилган чуқурча устига ўрнатилади). Мазкур изоҳдан ўзбекларнинг танча (сандал)си тўғрисида муайян тасаввур олиш мумкин. Аммо ўзбекнинг танчасига русча таржимада фақат кўмир солиниши, олмонча нашрда ҳам фақат кўмир солиш билангина чекланмай, пастдаккина сандалнинг янада кичрайтириб юборилиши унчалик тўғри эмас. Чунки ўзбек танчасига ўтин ҳам солиниши мумкин. Ҳамонки, диалог асар қаҳрамонларининг ташқи ва ички дунёсини тасвирлашда, айниқса, персонажлар ўртасидаги муносабатларни кўрсатишда қўлланилган сўзлар ранг-баранглигини ҳам муқобил қайта яратиш лозим бўлади.

Адабиётлар:

1. Абдулла Қодирий. Ўтган кунлар. – Т.: Фафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1980.
2. Абдулла Кадыри. Минувшие дни. – Т.: Государственное издательство художественной литературы, 1958.
3. Abdulla Kadiri. Die Liebenden von Taschkent – Berlin: Verlag Kultur und Fortschritt, 1968.
4. Саломов Ф. Таржима назариясига кириш. – Т.: Ўқитувчи, 1978.
5. Султонов И. Адабиёт назарияси. – Т.: Фан, 1966.

(Тақризи: А.Сабирдинов – филология фанлари доктори).